ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

**Жўраев Жонибек Ёрикулович**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу:** 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг иш фаолиятини таҳлил қилиш

Илмий раҳбар: доц.С.Ш.Зульфитдинова

Тақризчи: ф.ф.н. доц. А.М.Тўхтаева

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
№
KUTUBXONASI

Тошкент 2013

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар):

| № | Бўлим мавзуси | Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | топшириқ берилди | топшириқ бажарилди |
| 1 | Амалий қисм. | Исматуллаева Адолатхон дорихона мудири | 01.02.2013 | 10.06.2013 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

7. Битирув ишини бажариш режаси

| № | Битирув иши босқичларининг номи | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан ўтганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| 1 | Кириш. | | |
| 2 | Адабиётлар шарҳи | Октябр-декабр | бажарилди |
| 3 | Амалий қисм | январ-май | бажарилди |
| 4 | Хулоса ва таклиф | июнь | бажарилди. |
| 5 | Адабиётлар рўйхати | июнь | бажарилди |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Битирув иши раҳбари доц. С.Ш. Зульфикарова С.Зул
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим Жўраев Жонибек
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқ берилган сана 200____йил

# Мундарижа


Кириш.- - - - - - - - - - - - - - - - - - - 3

I-боб. Адабиётлар шарҳи

1.1 Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасини ташкил этиш- - - 7

1.2 Даволаш профилактика муассасаси дорихонасини лойиҳалаш, жиҳозлаш ва аппаратлар билан таъминланганлиги.- - - - - - - - - - - 14

1.3 Даволаш профилактика муассасаси дорихонасини кичик механизация воситалари ва адабиётлар билан таъминланганлиги.- - - - - 16

1.4 Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасини рецептура ишлаб чиқариш ишини ташкил этиш.- - - - - - - - - - - 17

1.5 Даволаш профилактика муассасаси дорихонасида тайёрланган дори воситалари сифатини назорат қилиш.- - - - - - - 19

1.6 Даволаш профилактика муассасалари таркибидаги доимий фаолиятдаги ҳайъатлар ҳақида ва формуляр рўйхатини тузишнинг аҳамияти.- - - 31

II Боб Амалий қисм

5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасининг моддий техника базаси ва дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларини таҳлил қилиш.

2.1 Дорихонанинг моддий техника базаси. . . . . . . . . . . . . 38
2.2 Хоналарнинг тузилиши ва майдони. . . . . . . . . . . . . 46
2.3 Дорихонанинг жиҳозлар ва аппаратлар билан таъминланганлиги. . . . . . . . . . . . 50
2.4 Кичик механизация воситалари ва адабиётларнинг борлиги. 54
2.5 Кадрлар билан таъминланганлиги. . . . . . . . . . . . . . 58
2.6 Дорихонада тайёрланадиган дори воситалари таҳлили ва сифат назорати. . . . . . . . . . 62
2.7 Дорихонани дори воситалари билан таъминланиш даражаси. . . . . . . . . . . . 73
Хулоса ва таклифлар. . . . . 81-83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. . . . . . . . . . . . 84

# Кириш.

Ўзбекистон Республикаси олдида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, дорихона муассасаларининг бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга ўтиш, ишбилармон, тадбиркор мутахассисларни тайёрлаш, аҳолини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш муаммолари турибди.

Шахсан Президентимиз И.А. Каримов ва улар бошчиликларида мустақил Ўзбекистон давлатимиз доимо фуқаролар соғлигини сақлаш, уларни сифатли дори воситалари билан таъминлаш масалаларини биринчи ўринга қўйганлар, ҳар доим бу масала долзарб деб ҳисобланган.

1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонуни фикримизнинг ёрқин далилидир[1]

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2013 йилга мамлакатимизда „Обод турмуш йили" деб ном берилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, йилга ном негизида, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаётидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни яна фаровон қилиш каби эзгу мақсадлар ўз ифодасини топган. Яхши ниятлар, эзгу мақсадлар билан яшаш, ҳар бир кунидан ҳаловат топиб, шукроналар қилиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаш бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

Президентимиз ўз маърузасида „Обод турмуш йили" давлат дастурини қабул қилишда олтита устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

Обод турмушнинг бир муҳим шарти - бу инсон саломатлигини

мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Бу борада халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш учун юқори самарали, арзон, безарар дори воситаларини яратиш, касалликни олдини олиш ишларини янада кучайтириш безарар бўлиши биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Юқоридаги қонун ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз ўз битирув малакавий ишимизда даволаш-профилактика муассасаси дорихонасининг иш фаолиятини ўрганиб таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бунинг учун Тошкент шаҳридаги 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг моддий техник базаси ва дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг таҳлили ўрганилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб қўйидаги вазифалар бажарилди. Дорихона моддий техник базаси, хоналар тузилиши ва майдони, жиҳозлар ва аппа-

ратлар билан таъминланганлиги, кичик механизация воситалари ва адабиётлар билан таъминланганлиги, кадрлар билан таъминланганлиги, дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар таҳлили ва сифат назорати, дорихонанинг дори воситаларини таъминланганлигини ўргандик (фармацевтика журнали 2012й №4)

# I-Боб. Адабиётлар шарҳи

## 1.1 Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрда чиқарган УП-2107 сонли „Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш тизими соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича давлат дастури" фармони катта аҳамиятга эга. [35]

Фармонга тегишли 1-илова 1998-2005 йиллардаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси деб номланади. Концепциянинг „Аҳолини дори билан таъминлаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш" бандида „Миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш ва уни халқаро стандартлар асосида ута тоза тиббий ишлаб чиқариш орқали рақобат бор маҳсулотлар яратиш" масаласи кутарилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан даволаш-профилактика муассасалари дорихоналарида беморларга хизмат

курсатиш кескин ўзгарди [2.3]

Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси ўринлар сони 100 ва ундан ортиқ бўлган даволаш-профилактика муассасаларида ташкил этилади. Даволаш-профилактика муассасаларидаш дорихона муассасасининг бир бўлими ҳисобланиб қолган бўлимларни дори воситалари ва бошқа тиббиёт моллари билан таъминлаб, улар билан тенг ҳуқуққа эга. Дорихона бевосита шифохонанинг бош шифокорига бўйсунади. [8.9]

Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонасини асосий вазифалари қуйидагилардан иборат. [13]

- даволаш-профилактика муассасасининг бўлимларидан дори воситалари ва бошқа тиббиёт моллари учун талабномалар қабул қилиб олиш;
- қабул қилинган талабномалар асосида дориларни тайёрлаб, сифатини назорат қилиб уларни тегишли бўлимларга тарқатиш.
- даволаш-профилактика муассасасининг бўлимларига дори воситалари боғлов материаллари, беморлар

парваришида ишлатиладиган буюмлар, санитария ва гигиена буюмлари, дезинфекция воситалари ҳамда бошқа тиббиёт моллларини тарқатиш;
- шифохонанинг бўлим ва хоналаридаги дори воситаларининг тўғри сақланиши;
- тиббиёт ходимларига дорихонадаги мавжуд дори воситалари, янги қабул қилинган дори воситалари, уларнинг фармакологик таъсири, вақтинча йўқ дори воситаларини бошқа ухшаш таъсирга эга дорилар билан алмаштириш, ҳамда тез-тез ишлатиладиган дорилар учун эса дорихона стандартлари тайёрлашни ва уларни ишлатиш йўллари тўғрисида маълумотлар бериб туриш.

Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси ихтисоси ва тузилишига кўра қуйидагича таснифланади. [13.14.15]
- умумий турдаги шифохоналарнинг дорихоналари;
- руҳий асаб касалликлари шифохоналари дорихоналари
- махсус клиник шифохоналар дорихоналари,

парваришида ишлатиладиган буюм-
лар, санитария ва гигиена буюмлари,
дезинфекция воситалари ҳамда бош-
қа тиббиёт молларини тарқатиш;
- шифохонанинг бўлим ва хоналари-
даги дори воситаларининг тўғри сақ-
ланиши;
- тиббиёт ходимларига дорихонадаги
мавжуд дори воситалари, янги қа-
бул қилинган дори воситалари, улар-
нинг фармакологик таъсири, вақтин-
ча йўқ дори воситаларини бошқа
ухшаш таъсирга эга дорилар билан
алмаштириш, ҳамда тез-тез иш-
латиладиган дорилар учун эса дори-
хона стандартлари тайёрлашни ва
уларни ишлатиш йўллари тўғриси-
да маълумотлар бериб туриш.

Даволаш-профилактика муассаса-
сининг дорихонаси ихтисоси ва
тузилишига кура қуйидагича тас-
нифланади. [13.14.15]
- умумий турдаги шифохоналар-
нинг дорихоналари;
- руҳий асаб касалликлари шифохо-
налари дорихоналари
- махсус клиник шифохоналар дори-
хоналари,

Даволаш профилактика муассасасининг дорихонасини мудир - олий маълумотли фармацевт бошқаради. У даволаш профилактика муассасасининг бош шифокори томонидан ишга кабул қилинади ва бушатилади.

Дорихона мудири зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади;

- даво-профилактика муассасасининг булимларидан талабномаларни кабул қилиб, дориларни тайёрлаб, сифатини назорат қилиб уларни тарқатишни назорат қилиш;
- ўз вақтида даволаш-профилактика муассасасининг бўлимларини дори воситалари ва тиббиёт моллари билан таъминлашни уюштириш;
- дорихонадаги дори воситалари ва тиббиёт молларини хоссаларига кўра Давлат фармакопеясининг ва бошқа меъёрий ҳужжатлар буйруқлар талабларига риоя қилган ҳолда сақлашни таъминлаш этиш;
- дорихонада тасдиқланган меъёрларга биноан дори воситалари гамламаси бўлишини ва уларни даволаш-профилактика муассасаси

бўлимларига тўғри тарқатиб беришни таъминлаш;

- дорихона санитария тартиб қоидаларига риоя қилиш;
- даволаш-профилактика муассасалари бўлимларида дори воситаларининг тўғри сақланиши ҳисобини олиб боришни назорат қилиб, учраган хатоликлар тўғрисида бош шифокорни ёки унинг ўринбосарларини хабардор қилиш;
- дорихонадаги жиҳозлар, асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланишни назорат қилиб бориш;
- ходимларни тўғри танлаш иш жойлари бўйича жойлаштириш уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- тасдиқланган шаклларда ўз вақтда ҳисоботлар тузиб топшириш;
- талабномаларда тез-тез учрайдиган дорилар таркибини ўрганиб чиқиб, уларни олдиндан ўрганиб қўйишни уюштириш;

Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонасидаги бўлимларга ва кабинетларга берилган дори воситалари беморлар исте-

мол қилиш учун тайёр ҳолда берилади.

Бўлим кабинетларда уларни тайёрлаш, қадоқлаш, ёрлиқларни алмаштириш, қатъиян ман маън этилади.

Заҳарли дори воситаларини қулфланадиган темир сандиқларда ва ёғочдан ясалган қулфланадиган шкафларда сақланади, гиёҳванд дорилар фақат темир сандиқларда сейф ва темир шкафларда қулфланган ҳолда сақланиб, эшикларининг ички томонида „А" ҳарфи ва заҳарли дориларни бир марталик ва суткали юқори истеъмол қилинадиган дозалари ёзилган рўйхати бўлади. [28]

Кучли таъсир этувчи дори воситалари „Б" рўйхатда бўлиб алоҳида қулфланадиган шкафларда сақланади. „А" ва „Б" рўйхатдаги темир сандиқлар ва шкафларнинг калитлари тегишли жавобгар шахсда сақланади, кечаси эса катта навбатчи врачга топширилади, бу ҳақда эса алоҳида журнал-

га расмийлаштирилади.

Даволаш профилактика муассасанинг бўлим ва кабинетларидаги заҳарли ва гиёҳвандлик воситалари қандай дори воситалари бўлишидан қатъий назар, улар миқдори ҳисобда туради ва махсус дафтарга қайд этилади. Бу дафтарнинг ҳар бир вароғи номерланиб, ип ўтказилиб, бош шифокорнинг имзоси билан муҳрланиб қўйилади. „А" ва „Б" рўйхатдаги дориларни ойнали шкафларда бошқа тиббиёт асбоб-ускуналари билан бирга сақланиши тақиқланади. Бўлим ва кабинетларда дориларни тўғри берилишига ҳамда кучли таъсир этувчи, заҳарли ва гиёҳвандлик дориларни жойларида тўғри сақланишига бўлимнинг катта ҳамшираси ва бўлим бошлиғи жавобгардир. Зарурия туғилганда дорихона мудири талабномаларни ўзи қабул қилиб улар асосида дориларни тайёрлайди, сифатини назорат қилиб, дориларни тарқатади ҳамда уларни ҳисобини олиб боради. [28, 34]

1.2. Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасини лойиҳалаш жиҳозлаш ва аппаратлар билан таъминланганлиги.

Даволаш-профилактика муассасаси дорихоналари ўз зиммасига юкланган асосий вазифаларни ўз вақтида сифатли бажариши учун улар керакли хоналар, аппаратлар, қурилмалар, турли хилдаги жиҳозлар асбоб-ускуналар, реактивлар ёрдамчи материаллар, керакли адабиётлар ва етарли миқдорда дори воситалари билан таъминланиши керак.

Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси хоналарини майдони шифохона хоналарини лойиҳалашнинг қурилиш меъёрлари ва қоидаларида САНПИН 0152-04 келтирилган. [32, 39]

Дорихона хоналари 3 гуруҳга бўлинади улар қуйидагилар.
Ишлаб чиқариш, молларни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари.

Меъёрга кўра ассистетлар хонаси, асептик хона, дистилланган сувни

қайдаш хонаси, тоза идишларни сақлаш хонаси, кадоклаш ва идиш хоналари ҳамма шифохона дорихоналари учун лойиҳалаштирилган. Талабномаларни қабул қилиш, жўнатиш хоналари 400 ўринли даволаш-профилактика муассасалари қошидаги дорихоналар учун олдиндан тайёрланадиган дори воситаларини тайёрлайдиган фармацевт-технолог хонаси эса 600 ўринли шифохоналар учун лойиҳалаштириш мўлжалланган. [47]

Дорихоналарни жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги дорихона иш фаолиятида муҳим бўлиб ҳисобланади. Ассистент хонасида ассистент фармацевт-аналитик фармацевт технолог ва кадокловчилар учун кадоклаш столлари мавжуд. Ассистент столлари 2, 4, 6, 8 ўринли бўлиши мумкин. Фармацевт-аналитик иш жойидаги асбоб-ускуналар қуйидагича: стол, шкаф, микробюреткалар учун стол, вертушкалар, заҳирадаги реактивларни сақлаш учун ҳаракатланувчи шкаф, шиша

стул ва ойна буюмлари учун тупламлар киради. Фармацевт-аналитик иш жойида аналитик столи жойлаштирилган булиб, дори воситаларини сифати назорат қилинади. У ерда яна буюм адабиётлар сақланадиган шкаф мавжуд. Стол устида люминицентланган ёритгич ва рефрактометр ойнаси махаллий ёритувчи мослама жойлаштирилган. Реактив, микробюретка ва бошқа лабаратория буюмларини сақлаш учун шкаф ва вертушкалардан фойдаланилади.

Дорихоналарни жиҳозлар, асбоб-ускуналар, дори воситалари ҳамда бошқа тиббиёт моллари билан таъминлаш шу мақсад учун ажратилган маблағ миқдорида даволаш-профилактика муассасаларининг буюртмаларига мувофиқ дорихона омборхоналари томонидан амалга оширилади. [32, 41]

1.3 Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасини кичик механизация воситаси ва адабиётлар билан таъминланганлиги.

KUTUBXONASI

Дорихонада кичик механизация воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади, уларга фильтрлаш аппарати, суюқ дори воситаларини қадоқлаш аппарати, бюретка мосламаси, қадоқлаш қошиғи, ювиш аппарати, сурувчи фильтр аппарати, аралаштиргич, кукунловчи, қопқоқлаш аппарати, клейлаш учун мослама, балонлар учун мослама ва бошқалар киради. Ундан ташқари дорихонада фармация соҳасига оид бўлган адабиётлар бўлиши лозим. Уларга давлатимиз томонидан чиқарилган фармонлар, буйруқлар, йўриқномалар, қарорлар фармацияга тегишли бўлган меъёрий ҳужжатлар, журналлар адабиётлар (Машковский ва бошқалар)

Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасини рецептура ишлаб-чиқариш ишини ташкил этиш.

1.4 Даволаш-профилактика муассасаларига қарашли бўлган дорихоналарни рецептураси ўзига хослиги билан ажралиб туради.

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
№
KUTUBXONASI

Рецептура икки турга амбулатория ва стационар рецептурасига бўлинади. Амбулатория рецептурасига амбулатория ва поликлиникаларга қатнаб даволанувчи беморларга тиббиёт ходимлари томонидан дори воситалари учун ёзилган рецептлар киради.

Турли мулкчиликдаги дорихоналардан филиаллардан даволаш профилактика муассасаларига ва бошқа муассасаларга талабномаларга асосан берилган дори воситалари стационар рецептурасини ташкил қилади.

Беморнинг ҳолати, касаллигининг тавсифига кўра шифокор кўпинча тайёр дорилар тавсия қилади, лекин айрим ҳолларда якка тартибда тайёрланадиган дорилар ҳам тавсия қилиниши мумкин. Шунга кўра рецептура икки турга саноат корхоналарда ёки дорихонада олдиндан тайёрлаб қўйиладиган тайёр дориларга ва якка тартибда тайёрланадиган дориларга бўлинади

Профессор Э.Р. Тошмуҳамедов раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар асосида кўплаб амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Яна бу борада Р.З. Зияев, Жумонов А.В, Зулфиқдинова С.И, Миртошпова Л.И, Саидова М.Л ларнинг илмий изланишлари ҳурматга сазовордир. [18, 18]

1.5 Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасида тайёрланган дори воситалари сифатини ошириш муаммоси давримизнинг муҳим масалаларидан биридир, яроқсиз деб топилган дори воситаси, бу нафақат сифати бузилган дори бўлибгина қолмай, дорихона ходимларининг бекор сарф қилган меҳнатлари ҳамдир.

Дорихонада тайёрланган дориларнинг кундалик сифатини текширишни фармацевт технолог амалга оширади. Дорихонада тайёрланган дорилар сифатини назорат қилиш қоидалари белгиланган бўлиб уни текшириш назорат аналитик лаборатория зиммасига юкланган. Лаборатория ўз навбатида дори воситалари сифатини назорат қилувчи давлат инспекциясининг низомларига амал қилади.

Назорат-аналитик лаборатория ўз зиммасига юкланган асосий вазифа ва функцияларни бажариш учун тегишли моддий моддий техника базасига эга бўлиши керак. Лабораториянинг асосий ишлаб чиқариш хонаси аналитик зал бўлиб, у аналитик столлари, титрланган эритмалар ва индикаторлар учун вертушкалар, қовотортувчи шкаф ва бошқа жиҳозлар билан ускуналанади.

Оптик хонада дори воситаларининг физик-кимёвий назоратини ўтказиш учун реф-

рактометр, спектрофотометрлар жойлаштирилади. Лабораториянинг тортиш хонасида аналитик тарозилар ўрнатилади. Дори воситаларини биологик назорат қилиш хонасида водопровод ва канализация ўтказилади. Дефектор хонаси реактивлар титрланган эритмалар индикатор сақланадиган шкафлар билан жиҳозланади.

Методик хона эса тегишли жиҳозлар норматив техник ҳужжатлар ва бошқа адабиётлар билан таъминланади. Ер тўладаги хоналар ёнгин хавфи бор моддалар, кислоталар ва кўчалик материалларини сақлаш учун сўкчаклар токчалар билан жиҳозланади.

Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги 1986-йил 2-февралда тасдиқланган 82-сонли буйруғига биноан, лаборатория томонидан дорихоналарда тайёрланган дориларни сифатини назорат қилиш учун олинадиган меъёрларга илова қилинган. Ушбу меъёрларга биноан назорат-аналитик лабора-

тория кўталик ҳисобидаги дорихоналар штатида фармацевт-аналитик лавозими бўлса, уларда рецептлар асосида тайёрланган дорилар ва олдиндан тайёрлаб қўйилган дориларнинг 0.1%ни агар штатида фармацевт фармацевт-аналитик лавозими бўлмаса, ушбу дориларнинг 0.3%ни текшириш учун олади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1979 йил 24 январдаги 84-рақамли буйруғига мувофиқ „Назорат-аналитик лаборатория" ҳақида низом тасдиқланган. Шу низомга биноан назорат-аналитик лабораториясининг асосий вазифалари дорихона муассасаларининг фармацевтик фаолиятига илмий методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш.

Бундан ташқари дорихоналарда сифати жиҳатдан шубҳа туғилган дориларни лабораторияга текшириш учун юборилади. Дорихоналардан сифатини текшириш учун олиб кетилган дориларга 3 нусхада далолатнома тузилади. Далолат-

қомада рецептнинг номери, унинг таркиби дори ким томонидан тайёрланиб назорат қилинган ва текшириш учун олинган ушбу дорининг нархи кўрсатилади.
Дорихоналарда тайёрланган дорилардан ташқари назорат-аналитик лаборатория ҳар чоракларда барча дорилардаги дистилланган сувнинг сифатини, штатида фармацевт-аналитик бўлмаган дорихоналардаги тез бузилувчи ва турғун бўлмаган препаратларнинг сифатини текширади, ҳамда яроқлик муддати тугагач дори воситаларини қайта назоратдан ўтказади[37]

Дорихона муассасаларида тайёрланган дори воситаларининг сифатли ва безарар бўлишини таъминлаш улар таҳлили устидан назоратни кучайтириш мақсадида. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2001-йил 10-апрелдаги №444-сонли „Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тасаррфидаги ДПМ дорихоналардаги стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида"ги буйруғи навбд.

Бунга биноан барча тегишли реактив ва титрланган эритмалар, идишлар асбоб-ускуналар ҳамда махсус қўлланмалар, методик кўрсатмалар ва маълумотлар билан жиҳозланган аналитик аналитик хона, кичик туркумдаги дорихоналарда эса аналитик столлар ташкил қилинади. Уларда саноат корхоналари ва дорихонанинг ўзида тайёрланган дори воситалари ҳамда ҳайдаб олинган сув устидан доимий сифат назорати ўтказилиб турилади. Сақлаш жараёнида турли ташқи муҳит таъсирида таркиби тез ўзгариб кетувчи дорилар ҳамда ҳар уч ойда назорат аналитик лабораторияя текширувига юборилади. Дорихона мудири ёки унинг муовини сифат назорат усули йўл-йўриқларини тўла ўзлаштирилган ҳолда дорихонадаги дорилар сифатини ички назорат қилишга раҳбарлик қилади, кичик тоифадаги дорихоналарда эса бевосита фармацевт-аналитик вазифани бажаради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири, мамлакат аҳолисини ўз вақтида арзон ва юқори сифатли дори воситалари билан таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2000 йил 21-апрелда чиқарилган 185-сонли буйруғи асосида доимий назорат қилиб турилади. [37]

Соғлиқни сақлаш Вазирлиги буйруғига биноан тасдиқланган махсус қўлланма асосида дори-воситалари сифатини дорихоналарда ички назорат қилиш қуйидаги усуллар бўйича бажарилади.

1. Ёзма назорат - бу назорат усули дорихонада тайёрланадиган барча дори воситалари учун қўлланилади.

2. Органолептик (сезги органлари ёрдамида) назорат, бу дорихонада тайёрланган дориларнинг ташқи кўриниши, баъзи хусусиятлари, уларнинг ранги, ҳиди ва агрегат ҳолатини текширишдир. Дорихонадаги ҳар бир фармацевт иш кучи давомида тайёрланган дори

турларидан камида учтасини тан-лаб органолептик назоратдан ўт-казиш шарт.

3. Оғзаки соммутириш назорати.

4. Физикавий назорат-бу усулнинг моҳияти дорихонада тайёрланган дорининг умумий массаси ёки ҳаж-мини, ҳамда дорининг сони ва ун-даги айрим доза массасининг текширувидан иборат.

Дорихоналарда айрим рецепт ёки даволаш-профилактика муас-сасаларидан тушган талабнома бўйича иш куни давомида тай-ёрланган дори турларининг умумий миқдоридан камида 3% физика-вий назоратдан ўтказилади

5. Кимёвий назорат дорихоналарда тайёрланадиган дори турлари тар-кибига кирувчи моддалар сифати-ни ва миқдорини кимёвий усуллар ёрдамида аниқлашга асосланган.

6. Беришдан олдинги назорат.

Давлат фармакопеяси ва махсус фармакопея мақоласи бўйича қуйидаги дори воситалари устидан мажбурий назорат ўтказилади.

а) „А" рўйхатдаги барча заҳарли ва

наркотик препаратларни „ангро" ҳамда дори тури шаклдошлари;
б) Инъекция эритмаси ва кўз томчи дориларни тайёрлашга мўлжалланган препаратлар;
г) барий сульфат ва бошка ҳар ҳили давлат инспекцияси рўйхатида кўрсатиб кетилган ҳамда сифати жиҳатидан шубҳа туғдирадиган дорилар.

Дорихонада хайдаб олинган сувни Давлат фармакопеяси талаби асосида ҳар куни сифати текширилади. Унда ёт қушимчалардан сульфат, хлорид ва кальций тузларининг бор йўқлиги аниқланади.

Инъекция учун ишлатиладиган дори тайёрлашда мўлжалланган сув таркибида қушим равишда аммиак, қайтарувчи моддалар, карбонат ангидрид каби ёт қушимчаларга ҳам реакция қилиб кўрилади. Дорихонада ҳайдаб олинган сув тўла назоратдан учун ҳар уч ойда назорат-аналитик лабараторияларига юборилади.

Инъекцион дори турларини тайёрлаш давомида махсус шароит

асептик муҳит яратиш лозим.
Барча инъекцион дори турлари
асептик блокларда тайёрланади.
Асептик блок ўринлари сони икки
юз ва ундан ортиқ бўлган шифохо-
на дорихоналарида ташкил этила-
ди. Асептик блок уч хонадан иборат:
асептика, асептика олди ва аппарат
хонаси. Асептика хонасида инъекцион
дорилар тайёрлаш жараёни олиб
борилади. Аппарат хонасида иссиқ-
лик ва буғ ҳосил қилувчи аппарат-
лар (автоклав, дистиллятор ва бош-
қалар) жойлашган бўлади. Асептик
олди хонасида эса ходимларини
асептик ҳолатда ишга тайёрлаш
учун хизмат қилади. Асосан у ерда
стерилланган кийимлар кийилади,
респиратор тақилади.

Асептик хонага кираверишда
ультрабинафша нурларни тарқатув-
чи лампа бўлади. Бу лампа мик-
роорганизмларни асептика хонаси-
га тушишидан сақлайди.

Одам организмига игна орқали
юбориладиган, қон томирига қуйила-
диган дорилар, албатта стерил мик-
роблардан холи бўлиши шарт.

бу махсус дори турухлари умумий инъекция номи билан юритилади. Ундан ташқари янги туғилган ва бир ёшгача бўлган учун қўлланиладиган дори препаратлари стерил ҳолатда тайёрланиши шарт. Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган кўрсатмага асосан янги туғилган болалар учун тайёрланадиган ҳамма дори препаратлари ва бир ёшгача бўлган болалар учун тайёрланадиган суюқ дори шакллари албатта стерил ҳолида тайёрланиши шарт. [31]

Дорихоналарни ва айрим шифохона ҳолида дорихоналарнинг дорихатларини ўрганиш шуни кўрсатадики янги туғилган болалар учун ишлатиладиган дори таркиби хилма-хил бўлиб унинг сони 130 га яқин бундан 30% тайёр турдаги завод маҳсулоти бўлса, 70% дорихонада якка тартибда тайёрланадиган дори препарати ҳисобланади. Инъекцион эритмалар ДФ бошқа меъёрий техник ҳужжатлар талабига жавоб берадиган доривор моддалардан тайёрланади. Баъзи

ҳолларда инъекцион учун мўлжалланган дори моддаларининг ўта тозалиги текширилади.

Инъекцион препарат махсус идишларда оғзи яхши беркитиладиган ҳолда шкафларда сақланади. Штангласларни препаратлар билан тўлдиришда ҳар сафар идиш қопқда тиқинлар стерилизация қилинади.

Ёрдамчи моддалар (стабилизатор солюбилизатор, консервант ва бошқалар) сифатлиги жиҳатида Давлат Фармакопеясининг кўрсатилган моддалар ёки бошқа меъёрий техник ҳужжатлар талабига жавоб бериши керак.

1.6. Даволаш-профилактика муассаса-
лари таркибидаги доимий фаолият-
даги қайтоблар ҳақида ва формуляр
рўйхатини тузишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси даволаш-
профилактика муассасаларида до-
ри воситалари, тиббий анжомлар ва
тиббий асбоб-ускуналарнинг эхтиё-
жини аниқлаш, сотиб олиш, тақсим-
лаш ва улардан унумли фойдала-
нишини такомиллаштириш ҳамда
назоратни янада кучайтириш мақ-
садида Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг
2005-йил 12 октябрда 506-сонли
„Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
Сақлаш тизимидаги даволаш-про-
филактика муассасалари таркиби-
даги доимий қайтоблар фаолия-
тини такомиллаштириш тўғрисида"
буйруғи эълон қилинди.
506-сонли буйруққа илова сифати-
да доимий Фаолиятдаги қайтоб (ДФҚ)
тўғрисидаги низомга тасдиқланди.
Ушбу низомга биноан ДФҚ нинг
асосий вазифалари белгиланди.
Улар қуйидагилардан иборат:
асосий дори воситалари, тиббий

ашё ва тиббий асбоб-ускуна-
ларга бўлган талабни ўрганади
ва буюртма тузилади. Дори во-
ситалари тиббий ашё ва асбоб
ускуналар, шу жумладан гиёҳ-
вандлик воситалари, психотроп мод-
далар ва прекурсорларга бўлган эҳ-
тиёжни беморнинг сони ва демо-
график ҳолатини ҳисобга олган ҳол-
да ўрганиб боради. Зарур бўлган-
да соҳа бўйича етакчи мутахасис-
лар жалб этилади. Даволаш-профи-
лактика муассасаларнинг дорихо-
наси даволаш бўлимларида дори
воситалари ва тиббий ашёларнинг
яроқлилик муддати, сақлаш ша-
роитлари ҳамда уларнинг сони ва
уларнинг умумий миқдорини
текширади. Бюджет маблағлари
ҳисобидан харидқилинган ҳамда
мурувват ёрдами бўйича олинган
дори воситаларининг ҳар бир қути-
да муассаса муҳри мавжудли-
ги текшириш асосида аниқлайди.
Даволаш-профилактика муассасала-
ри ички дорихоналарнинг йиллик
фаолияти тўғрисида ҳисобот
тайёрлайди.

Доимий фаолиятдаги ҳайъат даволаш-профилактика муассаса-ларида ҳисоб-китоб ўтказиш бўйича ҳар 10 кунда сотиб олинган дори воситалари ҳақида шифохона дорихонаси мудиридан маълумот олади ҳар ойда дорихонада ва бўлимларда дори воситаларининг ўрнатилган тартибда, ҳайъат аъзолари иштирокида йўқ қилинишини амалга оширади. Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олишга иштирок этади. Бунда таъминотчилардан фақат республика ҳудудида қўллашга рухсат этилган ва давлат реестрига киритилган, мувофиқлик сертификатига эга асосий дори воситалари рўйхати ҳамда шифохона формулярларига киритилган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг харид қилинишини назорат қилади.

Низомга асосан ДФҚ томонидан дори воситалари, тиббий ашё ве тиббий асбоб-ускуналарни харид қилишдаги зарурий мезонларга қуйидагилар киради.

дори воситалари, тиббий ашё ва ва тиббий асбоб-ускуналар фақат фармацевтика фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензияси мавжуд бўлган таъминотчилардан харид қилиниши, харид қилинаётган дори воситалари тиббий ашё ва тиббий асбоб-ускуналар учун мувофиқлик сертификати нусхаси мавжуд бўлиши. Маҳсулотда бирламчи ва иккиламчи ўрамларнинг бутунлиги, қайд ёзувларининг бир-бирига мос келиши ёрлиқда маҳсулотнинг номи, ўлчов бирлиги серияси ва партия рақами, қайси давлат ва фирмада ишлаб чиқарилганлиги, Дори воситаларнинг яроқлилик муддати тиббиёт амалиётида қўллаш учун соч. дан кам бўлмаслиги. Дори воситаларига тузилаётган буюртма дори воситаларининг халқаро номланишига ва дозасига мувофиқ бўлиши. Дори воситаларини сотиб олишда рақобат нархларининг ўрганилганлиги ва таҳлил асосида буюртма берилганлиги.

Низомга кўра ОФҲ томонидан бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар мурувват ёрдами, кредит ва тендир асосида барча дори воситалари ва тиббий анжомларни тақсимот тақсимот тартиби қуйидагича амалга оширилади: тақсимот вақтида бўлимларнинг дори воситаларига бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олиб қуйидаги бўлимларга тақсимланади: шошилинч тиббий ёрдам бўлими, реанимация, ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморлар даволанаётган бўлимлар, болалар бўлимлари, туғруқ бўлимлари, шошилинч тиббий ёрдам постлари.
Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб-ускуналарнинг ҳаракатсиз туриб қолиш ҳолларивазият таҳлил қилинади, сабаблари ўрганилади ва қайта тақсимланади. Эҳтиёждан ортиқ бўлган дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб-ускуналарни бошқа даволаш-профилактика муассасаларига қайта тақсимот учун

юқори ташкилотларга маълумот тайёрланади.
Низомга асосан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг сақланиши, ҳисобининг юритилиши ва мақсадга мувофиқ ишлатилиши устидан доимий назорат ўрнатиш амалга оширилади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29-октябрдаги 472-сонли қарори асосида даволаш-профилактика муассасалари учун рецептли шифобахш экстемпорал дори воситаларини тайёрлаш учун ССВ қошидаги „Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифати маркази"га топшириш юзасидан назорат ўрнатиш. Даволаш профилактика муассасаларининг дорихоналарида гиёҳвандлик дори воситаларини сақлаш шароитлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 21 июлдаги 1048-сон билан рўйхатдан олинган „Гиёҳвандлик воситалари сақлаш бўйича техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор

талабларига жавоб бериши ус-
тидан доимий назорат олиб
бориш. [27, 28]

Шифохона дорихоналарининг
кераки дори воситалари билан
таъминлаш ва бюджет маблагла-
ридан самарали фойдаланиш
учун шифохоналар томонидан
формуляр тузилади. Бунда до-
ри воситалари руйхатига кир-
ган (соглиқни сақлаш вазирлиги-
нинг 5 декабр 2007 йил 539-сонли
буйруги) шу шифохона учун ке-
рак булган, зарур специфик
дорилар ажратилиб, руйхат ту-
зилади. Формуляр тузиш учун
зарур маълумотларни касаллик
тарихларини таҳлил қилиш нати-
жасида олинади. Бунда бемор-
ларга ишлатиладиган дори во-
ситалари ҳақидаги маълумотлар
муҳим аҳамиятга эга булади.

## II Боб Амалий қисм.

1. 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг иш фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Дорихонанинг моддий-техника базаси

Президентимиз И.А.Каримов мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси энг устивор вазифалардан бири этиб белгиланганлигини айтиб ўтганлар. Бунда шунингдек давлат миқёсида ҳал этиладиган асосий муаммолардан бири деб қараб келинмоқда. Чунки мамлакатимизнинг келажаги соғлом ва маънавияти юксак авлод қўлида. Авлодларнинг соғломлиги Ватан, унинг келажаги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида стационар шароитда даволанаётган беморларни дори воситалари билан таъминланишига катта эътибор берилмоқда. Ушбу беморларнинг дори воситалари билан таъ-

минланишининг сифати кўп
жиҳатдан шифохоналар ичида-
ги дорихоналар ишини қан-
дай ташкил этилганлигига
боғлиқ.

Шунинг учун юқоридаги-
ларни эътиборга олган ҳолда
биз Тошкент шаҳридаги 5 сон
шаҳар клиник шифохона
дорихонасининг иш фаолия-
тини таҳлил қилишни ўз
олдимизга мақсаб қилиб
қўйдик.

Шу мақсаддан келиб чиқиб
биз ўз олдимизга қуйидаги ва-
зифаларни қўйдик;

- дорихонанинг моддий-техни-
ка базасини ёритиш;
- дорихона хоналарнинг тузи-
лиши ва майдони;
- жиҳозлар ва аппаратлар би-
лан таъминланганлиги;
- кичик механизация восита-
лари ва адабиётлар билан таъ-
минланганлигини таҳлили;
- тайёрланган дори воситалар
ва улар сифатининг назорати
таҳлили;

- кадрлар билан таъминланиш масаласи
- дорихонанинг дори воситалари билан таъминланиши

Бу санаб ўтилган вазифаларни батафсил 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг иш фаолиятини таҳлил қилиш учун охирги 3 йиллик (2010-2011-2012й) ҳисобот маълумотларидан фойдаландик.
Биз ўрганган 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси 417 уйда жойлашган.

Ҳозирда бу шифохона тузилмаси қуйидагича бўлиб 312 та ўриндан иборат. Ундан бюджет ўринлар сони 125 та, ўз-ўзини молиялаштириш ўринлари 187 та бўлиб, шифохонада даволанаётган беморларнинг 20% ини бюджет, 80% ини ўз-ўзини молиялаштириш ташкил этади. Бу шифохонада бўлимлар сони 20 дан ортиқ бўлиб улар

қуйидагилар: (жадвал-1)

1. Физиологик туғруқ бўлими
2. Патологик туғруқ бўлими
3. Чақалоқлар бўлими
4. интенсивлик бўлими
5. Терапия бўлими
6. 1-соматоневрология бўлими
7. 2-соматоневрология бўлими
8. Реанимация ва анестезиология бўлими
9. неврология бўлими
10. физиотерапия бўлими
11. рентген хона.

Бундан ташқари худди шу бўлимлар ўз-ўзини молиялаштиришда ҳам мавжуд. (жадвал-1А)

1. 1-соматоневрология бўлими
2. 2-соматоневрология бўлими
3. 1-неврология бўлими
4. 2-неврология бўлими
5. Хирургия бўлими.
6. Гинекология бўлими.
7. реанимация ва анестезиология бўлими
8. Э.К.Г.
9. У.Т.Д

**Жадвал № 1**

## 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси бўлимлари



Шифохона дорихонаси бўлимларни дори воситалар, боғлов материаллари, беморларни парваришлашда ишлатиладиган буюмлар, дезинфекцияловчи воситалар, реактивлар ва бошқа тиббий буюмлари билан ўз вақтида сифатли таъминлайди. Бу шифохона дорихонасининг моддий техника базасини ўрганиб чиқдик.

Дорихона амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари талабига мос келадиган, ҳамда дори воситаларини фармацевтика талабларига асосан сақланишини таъминлайдиган биноларда ташкил этилади.

Дорихона биноси шифохона майдонининг алоҳида зонасида жойлашмаган, узини (жадвал-2) жадвалдан кўриниб турибдики, шифохона дорихонасининг биноси махсус қурилган, бўлиб яхши

**Жадвал № 2**

## Дорихонабиносинингтавсифи.

| Дорихона номи | Ўзиники | Арендага олинган | Махсус | Мослаштирилган | Ҳолати | | | | Яроқсиз | Ғиштдан | Лойдан | Каркасли | Алоҳида | Томи | | Иситиш | | Печка | Сув билан таъминлаш | | Ёритилиши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | яхши | Қониқарли | Эски | Қайта қуриш зарур | | | | | | Тунука | Шифер | Марказлашган | Шахсий | | Марказлашган | Шахсий | Люминицент | Электр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси | + | | + | | + | | | | | + | | | | + | | + | | | + | | | + |

ҳолатда, ғиштдан қурилган, томи тунука билан ёпилган, иситиш тармоғи ва сув билан таъминланиши марказлаштирилган. Хоналарни ёритишда электр лампаларидан фойдаланилади. Бино яхши аҳволда бўлгани билан ҳозирги замон талабига жавоб бермайди. Шунинг учун замон талабига мослаб капитал таъмирлаш зарур.

2.2 Хоналарнинг тузилиши ва майдони

Дорихона хоналарининг тузилиши ва майдонини ўрганиб чиқиб шунга гувоҳ бўлдикки, улар қурилиш ишлари бўйича давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган қурилиш меъёрлари талабларига деярли жавоб беради. (СанПин №0152-04) Дорихонанинг умумий майдони, хоналар сони ва ўлчамлари шифохонанинг ихтисоси, тузилиши, фаолият тури

ва шу ҳажмига қараб белгиланади. Дорихона хоналарининг тузилиши ва майдони (жадвал-3) да келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 5-сон шаҳар клиник шифохонасининг дорихонаси хоналарининг тузилиши ва майдони СанПин № 0152-04 31.05.2004 тақдим этилган меъёрнинг 86,1% ташкил этади. Шуни таъкидлаш лозимки, дорихонада меъёр бўйичалик бўлиши лозим бўлган рецептура, аналитик хона, тоза идишларни сақлаш хонаси, мавжуд. Уларнинг вазифаларини бошқа хоналарнинг кенгайтириш хисобига тошкиллаштирилган. Масалан: ассистент хонаси меъёр бўйича 20 м² амалда эса 30 м². Аналитик хона бўлмаганлиги учун аналитик стол ассистент хонасида жойлаштирилган. Асептика шароитда дори шаклларини тайёрлайдиган хоналар меъёрга тулик жавоб беради.

**Жадвал № 3**

## Хоналарнинг тузилиши ва майдони

| № | Хоналарнинг номи | Ўринлар Меъёр201-400 кв.м | Сони Ҳақиқий кв.м |
|---|---|---|---|
| | | 8 | - |
| 1 | Ахборот хонаси | 12 | 7,0 |
| 2 | Экспедиция | | - |
| 3 | Рецептура- экспедиция | 10 | - |
| 4 | Рецептура | 20 | 30,0 |
| 5 | Ассистентлар | - | - |
| 6 | Аналитик | 12 | 6,0 |
| 7 | Қадоқлаш | - | - |
| 8 | Концентрат ва яримфабрикат-ларни тайёрлаш хонаси | 15 | - |
| 9 | Дистилланган сувни ҳайдаш | 10 | - |
| 10 | Дизинфекциялаш | 8 | 20,15 |
| 11 | Ювиш | 8 | - |
| 12 | Тоза идишлани сақлайдиган хона | 8 | - |
| 13 | Очиб жойлаш хонаси | 9+2 | |
| 14 | Ассептик шароитида дори шаклларини тайёрлайдиган хоналар | | 16,5 |
| | Ассистентлар ассептик | | 10,0 |
| | идишларни стериллаш | 12 | 7,5 |
| | ювиш | 12 | 11,0 |
| | автоклав | | 3,5 |
| | назорат | - | |
| | дисстилляция | - | - |
| | копқоқлаш хонаси | 12 | 11,53 |
| 15 | Тайёр дори дармонлар | | 10,5 |
| 16 | Захарли ва наркотик дори дармонлар | | - |
| 17 | Дори воситалари | | - |
| | Курук | 20 | - |
| | Суюқ | 16 | - |
| | Музлатгич камераси | 6 | - |
| 18 | Дизинфекция воситалари ва кислоталари | 4+4 | 30 |
| 19 | Ёнувчи ва тез аланга олувчи суюқликлар ва спирт | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | сақловчилар | 8 | |
| 20 | Тиббиётда ишлатиладиган буюмларни сақлаш:<br>Боғлов материаллари<br>Беморлар парваришида ишлатиладиган буюмлар | -<br>10<br>- | 10,0 |
| 21 | Шиша идишлар, хўжалик Буюмлари, ёрдамчи материаллар ва хўжалик хоналари | 15 | 14,3 |
| 22 | Мудир хонаси | 10 | 13,1 |
| 23 | Мудир ўринбосари хонаси | - | - |
| 24 | Бухгалтерия | - | - |
| 25 | Ходимлар билан шуғулланувчи хона | 12 | - |
| 26 | Ходиларни кийим алмаштириш хонаси | 0,55 | 12 |
| 27 | Йиғиштириш учун ишлатиладиган буюмлар сақлаш хона | 4 | - |
| 28 | Хожатхона | 3 | 3 |
| 29 | Ювиниш хонаси | 3 | - |
| 30 | Шахсий гигиена хонаси | - | - |
| 31 | Ходимлар хонаси | 10 | - |
| 32 | Архив | - | - |
| 33 | Коридор (Йўлак) | - | 19 |
| | Жами | 277 | 238,6 |

277 – 100
238,6 – X X=86,1 %

2.3. Дорихонани жиҳозлаш ва аппаратлар билан таъминланганлиги

Даволаш профилактика муассасаларига қарашли дорихоналарнинг асосий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, аппаратура ва махсус дорихона жиҳозларисиз стационарда даволанаётган беморларни ўз вақтида сифатли дори воситалари билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун 5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасини ишлаб чиқаришда зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланганлиги ўрганилди.

Дорихонани жиҳозлар, аппаратлар билан таъминланганлиги (жадвал-4) да келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, дорихонада 2 та махсус ассистентлар столи 4 ўринли битта мослаштирилган ассистент столи, битта тайёр дори воситалари

**Жадвал № 4**

## Шифохона дорихонасини жихозлар ва аппаратлар билан таъминланганлиги

| Жиҳозлар номи | Сони |
|---|---|
| Фармацевт – технолог столи | 1 |
| Ассистентлар столи:<br>а) махсус<br>б) мослаштирилган | <br>2 (4) ўринли<br>1 |
| Стол устидаги вертушка | - |
| Тайёр дори воситалари учун вертушка | 1 |
| Фармацевт – аналитик столи | 1 |
| Бюретка | 1 |
| Заҳарли ва гиёхванд дори воситалар сақловчи шкаф | 2 сейф |
| Хид чиқарувчи, бўёвчи дори воситалар сақловчи шкаф | 2 |
| Ўлчовчи ва тоза идишлар учун шкаф | 2 |
| Буюмлар шкафи | 10 |
| Стеллаж | 15 |
| Ювиш қурилмаси | - |
| Ивитиш ва ювиш ваннаси | 2 |
| Хайдаш аппарати:<br>а) Д-10<br>б) Д-25<br>в) Д-60 (Бидистилятор) | -<br>-<br>4 |
| Қайнатма ва дамлама тайёрловчи инфундир аппарати. | 2 |
| Қуритувчи шкаф | 5 |
| Музлатгич | 1 |
| Рефрактомерт | 1 |
| Автоклав ВК75 | 5 |
| Ўт ўчирувчи аппарат | 4 |
| Бактериоцид лампа | 12 |
| Тарози | 10 |
| Электрон тарози | - |
| Ступка | 4 |
| Штанглас | 50 |

учун вертушка, битта фармацевт-аналитик столи, заҳарли ва шиддатли таъсир этувчи (звездочка) дори воситаларини сақлаш учун иккита сейф ва битта шкаф, хид чиқарувчи ва бўёвчи дори воситаларини сақлаш учун 2та шкаф, ўнта буюмлар шкафи, 15 стеллаж, 2та ивитиш ва ювиш ваннаси, 4 та Д-25 литрли дистилланган сув қайдаш аппаратлари 1та музлатгич, 1та рефрактометр, 4та янги автоклав 12 та бактерицид лампа, 10 та тарози 1 та техник тарози 4та ступка 5та штанглазлар мавжуд.
Дорихонада тазалаш ишларини олиб бориш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дезинфекцияловчи ва ювиш воситаларини сақлаш учун алохида хона ва шкаф ажратилган.

Дорихона биноси ёнгиндан хабар берувчи ва товушли қўриқлаш мосламалари

ва жиҳозлар билан таъмин-
ланган, бу дорихонада чўа
ўт учирувчи аппаратлар
ҳам мавжуд.
Тозаланган сув олиш учун
ва идишларни ювиш хонала-
ри иш ҳажмига қараб, керак-
ли асбоб ускуналар билан
жиҳозланади ва санитария
қоидалари меъёрлари талаб-
ларига тўлиқ жавоб бериши
керак.
Шундай қилиб, дорихона-
ларни ҳозирги замон техноло-
гик асбоб-ускуналар, мебель
билан жиҳозланиши дорихона
муассасаларининг ишлаш
амалиётига, меҳнатни ил-
мий асосда ташкил этили-
ши туфайли дорихона до-
рихона ходимларининг
иш унумдорлиги доимий
равишда ошиб боради,
натижада дорихонада
тайёрланадиган дори воси-
таларининг сифати яхши-
ланади ва самарадор-
лиги юқори бўлади.

2.4. Кичик механизация воситалари ва адабиётларнинг борлиги.

5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасининг кичик механизация воситалари билан таъминланганлиги (жадвал-5) да келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики дорихонада фильтрлаш аппарати, баллонлар учун мослама текширувчи лампа, спиртометр, термометр кукунларни дозалаш қошиғи сўрувчи фильтр аппарати қопқоқлаш аппарати ЗПР-1 қопқоқларни маҳкамлайдиган мослама ПОК-1 кичик механизация воситалари мавжуд бўлиб, кўп йиллардан бери шуғулланиб келинмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, дорихонада суюқ дори воситаларини қадоқлаш аппарати, кукунловчи аппаратлар йўқ.

Ваҳонланки 1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси

Жадвал № 5

**Дорихонани кичик механизация воситалари билан таъминланганлиги**

| Дорихона номи | Фильтр | Суюқ дори Воситаларини қадоқлаш аппарати | Қадоқлаш қошиғи | Ювиш аппарати | Сўрувчи фильтр аппарати (грибок) | Клейлаш учун мослама | Аралаштиргич | Кукунловчи аппарат | Қопқоқлаш аппарати ЗПР-1 | Қопқоқларни маҳкамлайдиган мослама ПОК-1 | Балонлар учун мослама | Страил дори воситаларни текширувчи лампа | Спиртометр | Термометр |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси | - | + | 3 | - | 1 | - | - | 1 | 2 | 1 | 10 | 1 | 1 | 5 |

Президентининг соғлиқни
сақлаш тизимини ислоҳ
қилиш тўғрисидаги фармо-
да даволаш-профилактика
муассасалари моддий-тех-
ника базасини яратишда
ва дорихоналарни янги жиҳоз-
лар билан таъминланиши-
га урғу берилган эди.

Биз биламизки, дорихона
амалиётида кенг қўлланилиб
келинаётган замонавий ки-
чик механизация воситала-
ри қўл меҳнатини енгиллаш-
тиради, дори тайёрлаш сифа-
тини яхшилайди, ишини
тезлаштиради ва вақтни те-
жайди.

Шунингдек, биз дорихона-
нинг адабиётлари таъминлан-
ганлигини ўргандик. (жадвал-6)
Таҳлил шуни кўрсатдики, до-
рихона кичик бўлса ҳам
етарли даражада адабиётлар
билан таъминланган. Лекин
шунга қарамасдан айрим
мавжуд адабиётлар эскириб
қолган.

Жадвал № 6

## Адабиётлар билан таъминланганлиги.

| Дорихона номи | Фармонлар | Қарорлар | Йўриқномалар | Буйруқлар | Справочниклар | Машковский 1,2 қисм | Видаль | А.Н.Юнусходжаев 1.2.3.қисмлар | Давлат реестрлари | Иқтисодиётга оид адабиётлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси | + | + | + | + | + | + | + | + | - | - |

Зудлик билан уларни янги-
лаш зарурлиги аниқланди ва
таклиф қилинди
Дорихонада адабиётлардан
Видаль; Машковский 1, 2 қисм,
Юнусхўжаев А.Н тахрири ос-
тида I, II, III қисмли „Ўзбекистон
Республикаси Фармацевтика
фаолияти" тўғрисидаги китоб
охирги янги буйруқлар бор.
г.5 кадрлар билан таъминлан-
ганлиги
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги-
нинг 2001-йил 5 сентябрдаги
чиқарилган 400 сонли буйруғи
„Даволаш-профилактика муас-
сасалари дорихоналарини
ишини яхшилаш тўғрисида"
бўлиб бир бандида Тошкент
Фармацевтика институти фар-
мацевтлар малакасини оши-
риш факультети қошида рес-
публикадаги барча дорихона-
лар раҳбарлари ва ходимлари
учун малака ошириш курс-
ларини ташкил этилиши аб-
тиб ўтилади.

Биз юқоридаги буйруқларни қандай даражада бажарилганини билиш мақсади 5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасининг кадрлар билан таъминланганлигини ўргандик. Дорихона кадрлар билан таъминланлиги (жадвал-7) жадвалдан кўриниб турибдики, меъёрда белгиланган штат сонига ҳамма буліб дорихонада 9та ходим ишлайди. Дорихона мудири билан биргаликда 4 та ходим олий маълумотли, 3 та ходим ўрта махсус, 2 та қадоқловчи. Ҳар 5 йилда режа бўйича малака оширганлар. Охирги 3 йил ичида штат сонида ўзгариш бўлмаган.

Бозор иқтисодиёти даврида талабаларни касб билимларидан ташқари тадбиркорлик, маркетинг ва менежмент, ташқи иқтисодий фаолият каби соҳаларни яхши ўзлаштириш талаб қилинади. Бу борада таълимнинг узлуксиз-

Жадвал № 7

## Дорихонани кадрлар билан таъминланганлиги

| № | Ф.И.Ш. | Лавозими | Штат бирлиги | | Ойлик иш ҳақи |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бюджет | х/х | Минг сўм |
| 1 | Исматиллаева А | Мудира | 1 | 1,0 | 343569 |
| 2 | Тоирова Н | Олий маълумотли фармацевт | 0,75 | 0,75 | 343569 |
| 3 | Тоджибоева | Олий маълумотли фармацевт | 1,0 | 0,5 | 343569 |
| 4 | Халқулова | Олий маълумотли фармацевт | 0,5 | 1,0 | 343569 |
| 5 | Хидирова | Фармацевт | - | 1,5 | 258066 |
| 6 | Ахмедова Н | Фармацевт | - | 0,75 | 258066 |
| 7 | Назирова | Қадоқ | 0,75 | 0,75 | 238066 |
| 8 | Суванова | Қадоқ | 0,5 | 1,0 | 238066 |
| 9 | Исматуллаева | Қадоқ | 0,5 | 1,0 | 238066 |

лигини таъминлаш учун
институтимизда фармацевт-
лар малакасини ошириш таъ-
лими бўйича факультетда
дорихона муассасаларидаги
иктисодиёт ва фармация-
нинг долзарб муаммолари;
дори воситаларининг сифати
назорати; дори турларининг
технологияси; доривор ўсим-
ликларни стандартлаш ва
сифатини назорат этиш йўна-
лишлари бўйича дарслар за-
монавий технологиялар асо-
сида олиб борилмоқда. 2001
йилдан бошлаб факультетда
даволаш профилактика муас-
сасаларидаги дорихона ходим-
ларининг малакасини ошри-
риш учун махсус курс очилди.
Ўқиш тугагандан сўнг серти-
фикат ва соҳага оид махсус
хужжатлар берилади. Юқорида-
ги ишларни қилишдан мақ-
сад ҳозирги замон билан ҳам-
нафас, маънавий баркамол
кадрлар тайёрлашдир.

2.6 Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар тахлили ва сифат назорати

Дорихонада ишлаб чиқаришни асосий кўрсатгичи бу уларнинг рецептурасидир. Изланишлар 5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасида олиб борилди. Шифохонада ётиб даволанаётган беморларнинг дори воситалар билан таъминланиш даражаси кўп жиҳатдан дорихонадан тайёр ҳолда бўладиган ҳолда бериладиган дори воситалари улушига боғлиқ бўлади. Тайёр дори шаклларининг берилиши дори воситалари билан хизмат кўрсатишни тезлаштиради, ҳамда фармацевт ходимларнинг иш фаолиятини оси-ради. Шуни айтиб ўтиш лозимки, тайёр дори воситалари дорихона шароитида тайёрлаб берилиши лозим бўлган дори турлари ўрнини ҳар доим ҳам боса олмайди. Улар фармацевтика корхоналарида

тайёрланадиган худди шу
каби дори воситаларига нисба-
тан нархининг 3-4 баравар
арзонлиги билан ҳам иқтисодий
аҳамиятга эга. Бу эса ҳозирги
бозор иқтисодиётига ўтиш дав-
рида стационар шароитда
даволанаётган беморларни ар-
зон дори воситалари билан яка-
да тўлиқроқ таъминлаш им-
конини яратади.

Шифохонанинг барча бў-
лимларига бериладиган дори
воситалари дорихонада тайёрла-
нади чунки стационарларда
даволанаётган беморларни
даволашда дорихонада тайёр-
ланадиган суюқ дори воситала-
ридан кенг фойдаланилади.

Дорихона муассасаларида
тайёрланадиган суюқ дори тур-
ларини тайёрлаш ишларини
такомиллаштириш, уларнинг
сифатини амалдаги меъёрий
ҳужжатлар талаблари даража-
сида етказиш лозим. Дори-
хона муассасаларида тайёр-
ланадиган дори турларини

такомиллаштириш, сифатли ва безарар бўлишини таъминлаш ҳамда меъёрлаш тизимидаги ишларни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 29 декабр 2002 йилдаги 582 ва 583 сонли „Дорихона муассасаларида тайёрланадиган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича" қўлланмалар билан тасдиқланган.

Шу мақсадда дорихона шароитида тайёрланадиган рецептларни таҳлил қилиб чиқдик.

Дорихонада асосан суюқ дори воситаларидан ички, ташқи ва инъекцион эритмалар тайёрланади. (Жадвал-8) Жадвалдан маълум бўладики 5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасида суюқ воситалари ҳаммаси бўлиб 1 йилда 100.0; 200.0; 400.0; 50.0; мл стерил эритмалар 71733 флакон тайёрланади.

10,0; 20.0; 2.0; мл стерил эритмалар 34428 флакон тайёрланади.

Жадвал № 8

**Якка тартибдаги тайёрланган дори воситалар таҳлили. (бир йилда)**

| Дори воситалар шакли | 50,0 мл | 100,0 мл | 200,0 мл | 400,0 мл | флакон |
|---|---|---|---|---|---|
| А. Инъекция учун суюқ дори воситалари | | | | | 71733 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| Б. Инъекция учун суюқ дори воситалари | 2,0 мл | 10,0 мл | 20,0 мл | - | 34428 |
| жами: | | | | | 106161 |

Жами 106161 фл стерил эрит-
малар тайёрланган. Ҳар бир
флаконда самара 1000 сумни
ташкил этган ҳолда дорихона-
да тайёрланган эритмалар-
дан шифохона 106.161.000 сум
фойда кўрган.
Шундан 50 млн хизматлар
ни ҳақи ёрдамчи воситалар
учун кетган харажатлар сув,
электроэнергияси ташкил этса
соф фойда 56 млн ташкил
этади. Дорихона шифохонанинг
стерил эритмаларга бўлган эҳтиё-
жини тўлиқ таминлайди. Ун-
дан ташқари дорихонада косте-
рил дори турлари ҳам тайёрла-
нади. Шифохона қошидаги
дорихоналарнинг рецептурасида
инъекция учун эритмалар асо-
сий ўринни эгаллайди, улар
80% ни ташкил қилади. Адаби-
ётлардан маълумки олдинги
йиллардаги даврда шифохона-
лар ичидаги дорихоналарнинг солиш-
рецептураси тузилишини
тирганда инъекция учун эрит-
малар салмоғининг ошиб

бораётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шу билан бирга, рецептурада кўз томчилари, қулоқ ва бурун томчилари, малҳамлар, ичиладиган суюқ дори шаклларининг салмоғи камайганлигини кузатиш мумкин. Ички томчилар, қайнатмалар ва дамламалар, хоб дорилар кейинги вақтда умуман тайёрланмай қўйилди. Сабаби субстанциянинг етарли даражада эмаслиги ва даволовчи тиббиёт ходимларининг ушбу дори шаклларига эътиборнинг сустлигидир.

Дорихонада шуни оқилона ташкил этилиши учун рецептура ёзувларининг такрорланишини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади (жадвал-9)

5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасида рўйхат бўйича 50 га яқин суюқ дори воситалари тайёрланади, ундан 30 таси стерил дори воситалари, 25 га яқини кўп такрорланади-

**Жадвал № 9**

## Кўп такрорланадиган суюк дори воситалар рўйхати

| № | Дорихонада тайёрланадиган суюк дорилар номи | |
|---|---|---|
| 1 | Натрий хлорид | 0,9%-100,0st! |
| 2 | Натрий хлорид | 0,9%-200,0 st! |
| 3 | Натрий хлорид | 0,9%-400,0st! |
| 4 | Натрий хлорид | 10%-400,0st! |
| 5 | Глюкоза | 5%-200,0st! |
| 6 | Глюкоза | 5%-400,0 st! |
| 7 | Глюкоза | 10%-200,0 st! |
| 8 | Глюкоза | 20%-200,0 st! |
| 9 | Навакаин | 0,25% -100-200-400,0 st! |
| 10 | Навакаин | 1%-200,0 st! |
| 11 | Навакаин | 2%-200,0 st! |
| 12 | Навакаин | 0,5%-100,0st! |
| 13 | Натрий гидрокарбонат | 4%-200,0st! |
| 14 | Аминокапрон каслота | 5%-100,0st! |
| 15 | Трисол эритмаси | 25%-10,0st! |
| 16 | Димедрол | 1%-10,0st! |
| 17 | Папаверин | 2%-10,0st! |
| 18 | Дибазол | 1%-10,0 st! |
| 19 | Анальгин | 25%-10,0st! |
| 20 | Магний сульфат | 25%-10,0st! |
| 21 | Аскорбиновая каслота | 5%-10,0st! |
| 22 | Калий хлорид | 5%-200,0st! |
| 23 | Кальций хлорид | 1%-200,0st! |
| 24 | Фурациллин | 1:5000 500,0st! |
| 25 | Никотин кислота | 1%-10,0st! |

ган дори воситалари рўйхатига
киритилган. Қоидасини керакли
вақтда буюртма беришига
қараб тайёрлаб беринади.
Шунингдек, дорихонада экка
тартибда тайёрланган дори
воситалар сифати таҳлил қи-
линади. Маълумки дори восита-
лари касалликни олдини
олишда, даволашда асосий
восита бўлиб ҳисобланади.
Шундай экан аҳолини сифат-
ли, кафолатланган, дори воси-
талари билан таъминлаш соғ-
лиқни сақлаш тизимининг
асосий вазифаси ҳисобланади.
Шу билан бир қаторда, дори-
хона шароитида тайёрланади-
ган дори воситалари сифатли,
таъсирчан ва инсон организми
учун зарарсизлиги таъмин-
ланган бўлиши керак.
Буларни амалга оширишда
учун дори турларини тайёрлаш,
технологиясига тўлиқ риоя
қилиш, дори тайёрлашнинг
барча жараёнларини дорихона
назорат қилиб борилиши ва

тайёр бўлган дори воситаси таҳлилдан ўтказилишини, ҳамда сифати баҳоланишини талаб этилади (жадвал-10)

Таҳлил натижасига кўра, назорат аналитика лабораторияси томонидан 3 йилдавомида (2010-2011-2012 йиллар) ҳаммаси бўлиб, назорат учун олинган дори воситалар сони 2010 йилда 7803 та бўлса, 2011 йилда 7702 та 2012 йилда 7804 тани ташкил этган.

Бундан кўриниб турибдики, йилдан йилга уларнинг сони ортиб борган. Агар уларни таҳлил турига қараб чиқадиган бўлсак, физикавий таҳлил сони 2010 йил 840 та, 2011 йил 853 та 2012 йилда эса 868 та бўлган.

Кимёвий таҳлиллар сони сифат кўрсаткичи бўйича умумий миқдори 2010 йилда 850 та, 2011 йилда 870 та; 2012 йилда 900 тани ташкил этади.

Даволаш-профилактика муассасаси талабномасига ва якка тартибдаги рецептлор бўйича

Жадвал № 10

**Назорат-аналитик хонасидан(столи) назорат учун олинган дорихона шароитида тайёрланган дори воситалари ҳақидаги ҳисобот (2010-2011-2012 йиллар)**

| № | Талилар миқдори | Ҳаммаси бўлиб | | | Улардан | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Физикавий таҳлиллар миқдори | | | Кимёвий таҳлил миқдори | | | | | | | | |
| | | | | | | | | Сифати | | | Тўлиқ таҳлил, рефрактометик усул билан | | | Улардан қониқарсиз натижалар | | |
| | | | | | 2010 | 2011 | 2012 | 2010 | 2011 | 2012 | 2010 | 2011 | 2012 | 2010 | 2011 | 2012 |
| | йиллар | 2010 | 2011 | 2012 | | | | | | | | | | | | |
| | Умумий миқдори | 7803 | 7702 | 7904 | 840 | 853 | 868 | 850 | 570 | 900 | 2650 | 2680 | 2704 | - | - | - |
| 1. | Шу жумладан: | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1.1 | ДПМ талабномасига ва якка тартибдаги рецептлар бўйича тайёрланадиган дори шакллари | 5060 | 4960 | 5104 | | | | | | | | | | | | |
| 1.2 | Тозаланган сув | 1012 | 998 | 1024 | | | | | | | | | | | | |
| 2 | Микробиологик таҳлил | 86 | 82 | 88 | | | | | | | | | | | | |

дори шакла-
тайёрланадиган
рига асосан 2010 йилда 5060 та,
2011 йилда 4960 та, 2012 йилда 5104
та. Иккила таҳлилдан кури-
ниб турибдики, уларнинг со-
ни йилда-йилга ошиб бор-
ган фақат 2011 йилда бир оз
камайган. Рефрактометрик
усулда эса 2010 йилда 2650 та,
2011 йилда 2680 та, 2012 йилда
2704 та текширилган.
Тозаланган сувнинг таҳлил-
лар миқдори 2010 йилдан 2012
йилгача ошиб камайиб бор-
ган. Улардан қониқарсиз нати-
жалар йўқ.
Микробиологик таҳлилар
2010 йилда 86 та 2011й 82 та 2012 йил-
да 88 тани ташкил қилган
Назорат-аналитик лаборато-
рия томонидан назорат учун
олинган якка тартибда тай-
ёрланган дори воситалари ҳақи-
даги 3 йилги маълумотлар ичи-
да қониқарсиз натижалар ку-
затилмаган.

2.7. Дорихонани дори воситалари билан таъминланиши.

Даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилаш, уларда ажратилган давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, шу дорихоналарда сифатли стерил дори воситалари тайёрлашни амалга оширилмоқда. Бу ишларни ўз вақтида бажариш беморларнинг шифохонада тез даволаниб кетишига замин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30 декабрь йилидаги №342 сонли „Асосий дори воситалари рўйхати"ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи шифохона дорихоналари ишини янада яхшилашга имкон яратади. (379 та асосий дори воситалар),

Ушбу буйруқда тасдиқланган асосий дори воситалари рўйхатига асосланиб

Қорақалпоғистон Республикаси ССВ, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига қарашли даволаш профилактика муассасалари, тиббиёт олий ўқув юртлари, клиникалари, илмий текшириш институтлари, даволаш санитария эпидемиологияси назорат марказлари нинг „Дори воситалари" тузилди. ва уларнинг дори воситалари, тиббиёт ашёлари ва тиббий асбоб-ускуналарни эҳтиёжини аниқлаш ва улардан унумли фойдаланишни назорат қилиш доимий фаолиятдаги қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва тақдим этилади.

Бу Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 506-сонли 2005 йил 12 октябрдаги „Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари таркибидаги доимий қўмиталар фаолиятини

takomillashtirish tўғrisi-
даги буйруғи билан тасдиқ-
ланди.

Биз таҳлил қилаётган 5-сон шаҳар клиник шифохонаси ички дорихонасида ҳам „Доимий фаолиятдаги ҳайъат" асосий дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб ускуналарга бўлган талабни ўрганиб буюртма тузишда фаол қатнашади.

Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб-ускуналар, шу жумладан, заҳарли, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжни беморларнинг сони, касаллик турлари, даволанувчи бемор ўринларининг сонини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб, керак бўлса соҳа бўйича етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда дорихона мудири билан асосий дори воситалари рўйхатига асосан „муассаса дори воситалари формуляри"ни тузиб чиқишади

Биз тахлил қилинаётган 5-сон шаҳар клиник шифохонаси ички дорихонасида „Доимий фаолиятдаш қайъой" асосий дори воситалари тиббий ашё ва тиббий асбоб ускуналарга бўлган талабни ўрганиб, буюртма тузишга фаол қатнашади.

Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб-ускуналар, шу жумладан, заҳарли, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжни беморларнинг сони, касаллик турлари, даволанувчи бемор ўринларининг сонини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб, керак бўлса, соҳа бўйича керакли мутахассисларни жалб этган ҳолда дорихона мудири билан асосий дори воситалари рўйхатига асосан „муассаса" дори воситалари формулярини тузиб чиқишади.

Бу шифохона дорихонасининг асосий таъминотчилари қуйидагилар. „Ўзбекистон Дори-таъминоти", ООО „Асклепий", АТМ Партнерс, „Новотек" ва бошқалар (жадвал-11)

Ҳар ойда дорихонага 3-4 марта дори воситаларига ажратилган маблағларга асосан ҳужжатлар асосида олиб келинади. Бюджет ажратмалар дори воситалари ва бошқа тиббиёт буюмларига бўлган бўлган эҳтиёжга мос равишда ишлатилади.

5-сон шаҳар клиник шифохонаси дорихонасига 2010-2012 йиллар давомида бюджет ажратилган пул маблағлар (жадвал-12) келтирилган. Мисол келтирадиган бўлсак [illegible] йилда бюджет ўринларига ишлатилган дори воситалари ва бошқа харажатлар.

кирим 22.327.000 =29 ундан
с/с 15.261.553 =02
МТ 9.927.200 =18
МЁ 2.502.907 =10

**Жадвал № 11**

## 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасини дори воситалари билан таъминловчи таъминотчилар

| № | Таъминотчилар | № | Таъминотчилар |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон "Дори-Таъминоти" ШК | 17 | Мадад сино плюс |
| 2 | Тошкент шаҳар "Дори-Дармон" ОАО | 18 | Асептик сервис Жалол |
| 3 | МЧЖ "Асклепий" | 19 | МЧЖ Тиббиёт дунёси |
| 4 | "ATM PARTNERS" | 20 | Ал-фаттох барака фарм |
| 5 | МЧЖ "PROFARMA" | 21 | Фарм импекс |
| 6 | МЧЖ "Лахисам" | 22 | Шайана фарм |
| 7 | "VES-SEPVIS" | 23 | Велфарм стар траде |
| 8 | "Grand Farm Medical" | 24 | Раниф |
| 9 | ХК "Davrbaks" | 25 | Ҳадра групп |
| 10 | МЧЖ "Denis-med" | 26 | МЧЖ Навбахор |
| 11 | НПП ҚОН ПРЕПАРАТЛАРИ | 27 | МЧЖ Новате к |
| 12 | МЧЖ "Фарм Адванс" | | |
| 13 | МЧЖ "Тоза хизмат сервис" | | |
| 14 | МЧЖ "Нео - фарм" | | |
| 15 | МЧЖ Авицена арома | | |
| 16 | Бахт текс фарм | | |

**Жадвал №12**

## 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасига 2010-2011-2012 йиллар давомида бюджетдан ажратилган маблағлар

| Йиллар | Бюджетдан ажратилган маблағ | |
|---|---|---|
| | Ажратилди | Ўзлаштирилди |
| 2010 | 21.000 000 | 100% |
| 2011 | 22327127 | 100% |
| 2012 | 33305878 | 100% |

| | |
|---|---|
| СП | 1.955.500 |
| Жами: | 186.974.287.=59 |

Чиқим.

| | |
|---|---|
| Бюджет | 23.027.380 |
| С/С | 153.886.080=27 |
| МТ | 9.158.603=41 |
| МЁ | 2.502.907=10 |
| СП | 1.955.500 |
| Жами | 190.540.470=78 |

Бюджет ўринларида даволанганган беморлар сони 5947 та бюджет ўринларига ажратилган маблағ битта беморни келиб кетиши учун 3872 сум 10 тийинни ташкил этди.

## Хулоса ва таклифлар.

1. Дорихонанинг моддий-техник базаси, яъни биноси шифохона ҳудудида алоҳида жойлашмаган бўлиб, яхши ҳолатда, махсус қурилган.

2. Хоналарнинг тузилиши ва майдони СанПин № 0152-04 меъёрининг 86,1 % ташкил этади.

3. Дорихонанинг жиҳозланиши ишлаш амалиётига меҳнатни илмий асосда ташкил этилиши, кичик механизация воситаларидан фойдаланиш туфайли иш унумдорлиги доимий равишда ошиб боради.

4. Дорихонанинг штат таҳлили шуни кўрсатдики, ҳаммаси бўлиб дорихонада 9 та ходим 4 таси олий маълумотли, 2 таси ўрта махсус. 3 таси ёрдамчи ходим вазифаларида ишлайди. Улар ўз вақтида малакасини оширганлар, ҳозирги илғор доришунослик янгиликларидан хабардор бўлиб турадилар.

5. Дорихона шароитида тай-
ёрланадиган дори воситалари
ўрганилди бунда суюк дори
шакллари 99,71%, инъекция
учун суюқ дори шакллари
97,1%. ташкил этади. Шунинг-
дек таҳлил натижасида
25 хил кўп такрорланадиган
дори воситалари аниқланди.
6. Сифатида қониқарсиз нати-
жалар йўқ. Бу эса, шифоко-
надаги беморларни сифатли
дори воситалари билан даволa-
наётганлигидан далолат беради.
7. Дорихона шифохона учун
зарур дори воситаларини
тендер асосида таъминотчилар-
дан харид қилади. Бу ўз нав-
батида, бюджет маблағлари-
дан оқилона фойдаланилаётгани-
дан далолат беради.

Таклифлар.

1. Дорихона амалиётида кўп такрорланадиган стерил дори воситаларини тайёрлашда кичик туркум дори ишлаб чиқариш усулини татбиқ этишни таклиф этамиз.

2. 2013-2014 йилда албатта дорихонани капитал таъмирлаш зарур.

Адабиётлар рўйхати.

1. И.А. Каримов Баркамол авлод
Ўзбекистон тараққиётининг пойде-
вори -Т. Ўзбекистон -1997-б 49-63
2. И.А. Каримов эришган маррала-
римизни мустаҳкамлаб, ислоҳат-
лар йўлидан изчил бориш асосий
вазифамиз -Т: Ўзбекистон 2004-64б
3. И.А. Каримов Озод ва обод Ва-
тан, эркин ва фаровон ҳаёт пиро-
ворд мақсадимиз -Т: Ўзбекистон
2000-287 б
4. И.А. Каримов Ўзбек халқи ҳеч
қачон ҳеч кимга қарам бўлмай-
ди. -Т.13. Т: Ўзбекистон -2005-448 б
5 И.А Каримов Демократик ҳуқу-
қий давлат, эркин иқтисодиёт
талабларини тўлиқ жорий этиш,
фуқаролик жамияти асосларини
қуриш фаровон ҳаётимиз гаро-
вдир -Т: Ўзбекистон -2007-64 б
6. Афанасьев А., Чикалова Е. фор-
мулярная система для терри-
торий, выгоды для участников
фармрынка. // Ремедиум №1-2-2000.
С 40-42

7. Власова И. Опыт рациональ-
ного лекарственного обеспечения
многопрофильного стационара.
// Ремедиум - №1-2 - 2003, с 46-50
8 Воробьев А.И. жизненно важный
перечень ... нужно учиться жить и
мыслить по новому. // Ремедиум
№3 - 1999 - с 8-10
9. Воробьев А Сура И Построение
системы рационального лекарст-
венного обеспечения. Рол формуль
ярного комитета минздрава РФ
// Ремедиум - №9 - 2002 - с. 7-11.
10. Коковин Л. Больничная аптека:
состояния и проблемы // Ремеди-
ум - №5 - 2002 с 36-38.
11. Косова И.В, Лоскутова Е.Е. Фар-
мацевтическая деятельность. Ор-
ганизация и регулирование.
Под редакций Е.Е лоскутовой-М:
издательский цент „Академия"
2003 - с 125 - 127
12. Косова И.В., Лоскутова Е.Е. ор-
ганизация и экономика фар-
мации. Под редакцией И.В. Косо-
ва - М.: Издательский центр „Ака-
демия" - 2004 - с 125.

13. Аскутова Е.Е. Управления и экономика фармации. Издательский центр „Академия" - 2004 - с 352-367.
14. Миролимов М.М. Дорихона амалиётида туркум дори шу-лаб чиқариш усуллари ва улар-ни ривожлантириш истиқбол-лари. Фармацевтика журнал-лари, №1-2 - 2006 - Б 16-18.
14. Небедухина Т.В., Сафронова Т.А. Исследование экстемпоральной рецептуры в хозрасчётных апте-ках Витебска Фармация №1-1998 - 56
15. Рудакова А.В., Хвещук П.Ф. Формулярная система как метод оптимизации финансовых зат-рат на лекарственный средства. Част I кардиологические лекарст-венные средства. „Ремедиум" №3 - 2003. с - 38-45
16. Рудакова А.В., Хвещук П.Ф. Формулярная система как метод оптимизации финансовых зат-рат на лекарственные средства. Часть II Антибактериальные и противовирусные лекарсвенные

средства // Ремедиум - №4 - 2003. - С 45-51

17 Саидов М.А., Миролимов М.М., Абдуллаева Х.Қ. Дорихона муассасаларида стерил ва асептик дорилар тайёрлаш ишларини яхшилаш ҳақида. Кимё ва фармация №2 - 2003 - б. 33-36.

18. Тошмуҳамедов З.Р., Зульфитдинова С.Ш., Джуманов А.В. Изучение производственной работы аптек лечебно-профилактических учреждений I, II, III категорий города Ташкента. Фармация - №3 - 1984 - с 60-62

19. Тошмухамедов З.Р. Зайнитдинов Х.С., Комилов А.Ш., Муҳаммедова Р.Р., Журавлева А.Б., Исломова М.З. Фармацевтика ишини ташкил қилиш. Проф. А.И. Юнускужаевнинг умумий таҳрири остида. Т.: Ўзб. РФА „Фан" нашриёти. - 2007 - 224б

20. Ширков А.И. Аптека лечебно-профилактического учреждения - М: Медицина 1991 - 304 с

и Щедрина Л.Е. Применение микробиологического метода для оценки пирогенности инфузионных растворов аптечного изготовление. // Фармация - К-2-2000 - С 27
22. А.Н. Юнускужаев, Зайнитдинов Х.С. Ўзбекистон Республикасида фармация - Т: 2002 - Б-3-4
23. А.Н. Юнускужаев Фармацевтик илмий фаолият ва таълим мазмуни салалари. „Фармацевтика журнали" К1- 2004 - Б 7-8.
24 Ўзбекистон Республикасида фармацевтика. I китоб. А. Н. Юнускужаев тахрири остида - Т.: А.А. Ибн Сино тиббиёт нашриёти 2001 - 288 б
25. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти. II китоб. А.Н. Юнускужаев тахрири остида. - Т: А.А. Ибн Сино номидаш тиббиёт нашриёти. 2001-336 б
26 Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти. III китоб. А.Н. Юнускужаев тахрири остида Т-; А.А. Ибн Сино номидаш тиббиёт нашриёти 2003 - 440 б

27. Ўзбекистон Республикаси „Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун 1997 йил 25 апрел (15.04.1999 йилда-ги ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
28. Ўзбекистон Республикаси „Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни. 1999 йил 19 август
29. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида ПФ-2107 сонли фармон 1998 йил 10-ноябр.
30 Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 583 сонли буйруғи „Дорихона муассасаларида тайёрланадиган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланма"ни тасдиқлаш тўғрисида 29 декабрь 2002 йил
31. Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 582 сонли „Дорихона муассасаларида суюқ дори турларини тайёрлаш бўйича қўлланма"ни тасдиқлаш тўғрисида 29 декабрь 2002 йил

32. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 94 сонли буйруғи „Ўзбекистон Республикасида тиббиёт техникаси, тиббиёт буюмлари ва дори воситалари шаклидаги мурувват юклари таъминоти тўғрисида" 10 март 2006 йил
33. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 539 сонли буйруғи „Асосий дори воситалари руйхати"ни тасдиқлаш тўғрисида. 5 декабр 2007 йил
34. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 506-сонли буйруғи „Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари таркибидаги доимий қайъатлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 12 октябр 2005 йил
35. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 400-сонли буйруғи „Даволаш профилактика муассасалари дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида" 5-август 2001 йил

36. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 444-сонли „Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПИ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида" ги буйруғи 4 октябрь 2007 йил
37. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 185-сонли буйруғи „Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларини сифатини яхшилаш борасида" 21 апрел 2000 йил
38. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 226 сонли буйруғи „Фармацевт кадрлар малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида" 18 май 2005 йил
38. Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 545 сонли буйруғи „Тендир асосида марказлашган ҳолда сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмларни қабул қилиш, сақлаш тақсимлаш, ҳисобга олиш, мақсадли ишлатилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида"
8 ноябрь 2005 йил

40. Приказ из „Республика Узбекистан №1090 „об утверждении положения об условиях хранения, отпуска реализации, распределение, учета наркотических средств, психотропных виществ и прекурсоров" от 29 декабрь 2001 годо
41. СанПин №0152-04 от 31 мая 2004 года
42. W.W.W. bmi hashket. ru Битимиро ва 3 Внутри больничная аптека: быть или не быть? башмедин фарм №3 2002 г
43. W.W.W. cond. med-prom. ru аборудование для больничных аптек и рецептурных отделов.

**Фармация факультети, қайта тайёрлаш курси 1/1 гурух талабаси Жўраев Жонибекнинг "5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг иш фаолиятини таҳлил қилиш" мавзусидаги Битирув малакавий ишига**

## ТАҚРИЗ

Дипломант Жўраев Жонибекнинг битирув малакавий иши ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида жуда долзарблиги билан ажралиб туради. Аҳолини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари, ҳамда беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар билан таъминлаш асосий мақсадимиздир.

Дипломант Жўраев Жонибекнинг ўз ишини 5-сон клиник шифохонаси дорихонаси иш фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган битирув малакавий иши 92 бетдан иборат бўлиб, мундарижа, кириш, адабиётлар шарҳи, амалий қисм, хулоса ва таклифлар, ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида дипломант мавзунинг долзарблигини, ўз олдига қўйган мақсадини ва ушбу мақсад асосида қўйилган вазифаларни келтирган.

Адабиётлар шарҳида даволаш-профилактика муассаса дорихонасини ташкил этиш, лойиҳалаш, жиҳозлаш, аппаратлар билан таъминланганлиги, дорихонада тайёрланган дори воситаларининг таҳлили, сифат назорати ва дори воситалари билан таъминлаш каби масалалар ёритилган.

Амалий қисмида дипломант дорихона иш фаолиятини ўрганар экан, унда шу шифохона дорихонасининг неча ўринли ва нечта бўлимли шифохонага хизмат қилиши, бинонинг тавсифи, хоналарнинг тузилиши ва майдонининг СанПин меъёрига мослиги, жиҳозлар билан таъминланганлиги, кадрлар штат сони, дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари таҳлили, сифат назорати, дори воситалари ва тиббиётда ишлатиладиган буюмлар билан таъминланганлигини таҳлил қилиб чиққан. Натижалар 12 та жадвалда акс эттирилган. Муаллиф ўзининг изланишларига асосан шифохона дорихонаси бўйича хулоса ва таклифлар берган. Изланишлари давомида 50 га яқин адабиётлардан фойдаланган.

Битирув малакавий ишини ёзишда дипломант баъзи бир имло хатоларига йўл қўйган. Ўйлайманки, бу битирув малакавий ишини мазмунига салбий таъсир кўрсатмайди. Бажарилган иш битирув малакавий иши талабларига тўлиқ жавоб беради ва у юқори баҳоларга лойиқ.

Тақризчи доц. А.М. Тўхтаева

**“5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг иш фаолиятини таҳлил қилиш” мавзусида битирув малакавий ишини бажарган фармация қайта тайёрлаш 1/1 гурух талабаси Жўраев Жонибекга**

## ТАВСИФНОМА

Талаба Жўраев Жонибекнинг битирув малакавий иши хозирги бозо иқтисодиёти даврида жуда долзарблиги билан ажралиб туради. Битиру малакавий ишида даволаш-профилактика мауссасаларига қарашли бўлга дорихонанинг моддий-техника базасининг ҳолати, лойиҳалаш, аппарат жихозлар, кичик меҳанизация воситалари ва адабиётлар била таъминланганлиги, рецептураси ва дори воситаларининг сифат назора ҳамда дорихонани дори воситалар билан таъминланганлиги ёритилган.

Жўраев Жонибек ўз ишига катта маъсулият билан қараб, битир малакавий ишини бажариш давомида битирув малакавий иши усти мунтазам равишда ишлади.

Менинг фикримча, дипломант ўз ишини сидкидилдан бажар Бажарилган иш ўз хажми ва ишдаги янгилик даражаси бўйича бўйи диплом иши химояси учун қўйилган талабаларга тўла жавоб беради ва а бахога лойиқ деб ўйлайман.

Илмий раҳбар:
Доцент
С.Ш. Зульфитдинов

**Тошкент фармацевтика институти**

**Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси**

**мажлис баёнидан**

# КЎЧИРМА

**Тошкент ш.** **23-сонли** **18.06.2013 йил**

**Қатнашдилар:** кафедра мудири доцент, ф.ф.н. Ш.З.Умарова, доцентлар: б.ф.н. З.Ш. Хидоятова, ф.ф.н. Д.Т.Соипова, ф.ф.н. Н.Д.Суюнов С.Ш. Зульфитдинова, М.З. Исломова, доц. в.б. ф.ф.н. Г.А. Султонова, , катта ўқитувчилар: ф.ф.н. Б.С.Темиров, ф.ф.н. Г.М.Икрамова, Г.Э. Содиқова, М.Я. Саидова, М.Н. Зияева, ассистентлар: М.М. Шокиров, Р.А. Мадраимова, З.У. Маматкулов, Д.А.Назирова, Н.А. Шоахмедова, З.А. Умарова, 2 курс магистрантлари.

**Кун тартиби:** Битирув малакавий ишини тинглаш ва ҳимояга тавсия этиш.

**Эшитилди:** Фармация факультети, Қайта тайёрлаш курси, 1/1 гр талабаси Жўраев Жонибекнинг "5- сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси иш фаолиятини таҳлил қилиш" мавзусидаги битирув малакавий иши тингланди ва муҳокама қилинди. Берилган саволларга қониқарли жавоблар олинди ва ҳимояга тавсия этилди.

**Қарор қилинди:** Фармация факультети, Қайта тайёрлаш курси, 1/1 гр талабаси Жўраев Жонибекнинг "5- сон шаҳар клиник шифохона дорихонаси иш фаолиятини таҳлил қилиш" мавзусидаги битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилсин.

Раис: доц. Ш.З.Умарова

Котиба: кат.ўқ. Г.М.Икрамова

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Фармация факультети ФИТК

кафедраси қайта тайёрлаш йўналиши 1/1 гуруҳи

Тасдиклайман

Кафедра мудири Умарова Ш.З

2003 йил «25» июнь

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Жўраев Жонибек Ёрқулович
(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг иш фаолиятини таҳлил қилиш.

200 й. «____»____________ кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув иши топшириш муддати 25. июнь 2013 йил

3. Битирув ишини бажаришга доир бошлангич маълумотлар 5-сон шаҳар клиник шифохона дорихонасининг бирламчи ҳисобот ҳужжатларига асосланган.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) 1. Даволаш-профилактика муассаси дорихонасини ташкил этиш. 2. ДПМ дорихонасини жойлашиш, жиҳозлаш ва аппаратлар билан таъминланганлиги. 3 ДПМ дорихонасини кичик механизация воситалари ва адабиётлар билан таъминланганлиги. 4. Кадрлар билан таъминланганлиги.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) 1 Шифохона тузилмаси. 2. Дорихона биносининг таркиби, 3. Хоналарнинг тузилиши ва майдони, 4. Жиҳозлар ва кичик механизация воситалари билан таъминланганлиги. 5 Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар таҳлили. 6 Кадрлар билан таъминланганлиги.